

10. Amanda Bradbury, Christian van Nieuwerburgh Exploring positive experiences of engagement amongst Black, Asian and Minority Ethnic (BAME) university students: An interpretative phenomenological analysis, November 2022
11. Данные центрального банка Республики Узбекистан <https://cbu.uz/>
12. Данные Министерства финансов Республики Узбекистан <https://www.mf.uz/>
13. Данные Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике <https://stat.uz/>
14. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-279 от 15.06.2022 «Об организации приема на учебу в государственные высшие образовательные учреждения» <https://lex.uz/uz/docs/6070837>
15. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5847 от 08.10.2019 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» <https://lex.uz/ru/docs/4545887>
16. The Use of GeoGebra and Autograph Software as a Math Teaching and Learning Tools., R.R. Hamraeva, G.A.Yuldosheva <https://scholar.google.com/>



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a53

“ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ” ИЛМИЙ КАТЕГОРИЯСИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

Вахабов Абдурахим Васикович -
Ўзбекистон Миллӣ университети профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори
Хўжсаҳанов Маъруфхон Ҳамидхонович -
Наманганд мӯҳандислик-қурилиши институти
таянч докторант

Аннотация. Мақолада олий таълим сифатининг моҳиятини ёритиб берувчи тадқиқотлар гуруҳларга ажратилган ва замонавий ёндашувлар умумлаштирилган. Олий таълим сифатини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан талқин қилишинг муаллифлик ёндашуви шакллантирилган. Олий таълим сифатини бажарадиган вазифалари асосида иерархик даражалари белгиланган. Олий таълим сифатини таъминлаш ва маъжмуавий тавсифдаги чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: олий таълим, таълим сифати, сифатни баҳолаш, тизимли ёндашув, олий таълим муассасаси.

НАУЧНАЯ КАТЕГОРИЯ И СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ “КАЧЕСТВО ВЫШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ”

Вахабов Абдурахим Васикович -
Профессор Национального университета Узбекистана,
доктор экономических наук
Худжсаҳанов Маруфхон Ҳамидхонович -
Базовый докторант Наманганскоого
инженерно-строительного института

Аннотация. В статье исследование, раскрывающие сущность качества высшего образования, разделены на группы и обобщены современные подходы. Сформулирован авторский подход к социально-экономической интерпретации качества высшего образования. Иерархические уровни определяются на основе задач, которые отвечают качеству высшего образования. Разработаны научные выводы и практические рекомендации, направленные на обеспечение качества высшего образования и реализацию мероприятий в комплексном описании.

Ключевые слова: высшее образование, качество образования, оценка качества, системный подход, высшее учебное заведение.

SCIENTIFIC CATEGORY AND SOCIO-ECONOMIC ESSENCE OF “QUALITY OF HIGHER EDUCATION”

Vakhabov Abdurahim Vasikovich -
Professor of the National University of Uzbekistan,
Doctor of Economics
Khujakhonov Marufkhan Khamidkhonovich -
Basic doctoral student of Namangan Institute of Civil Engineering

Annotation. In the article, the studies revealing the essence of the quality of higher education are divided into groups and modern approaches are generalized. The author's approach to the socio-economic interpretation of the quality of higher education is formulated. Hierarchical levels are determined on the basis of tasks that meet the quality of higher education. Scientific conclusions and practical recommendations aimed at ensuring the quality of higher education and the implementation of measures in a comprehensive description have been developed.

Key words: higher education, quality of education, quality assessment, systematic approach, higher education institution.

Кириш. Хорижий давлатларда аксарият олий таълим муассасаси (ОТМ) давлат тасарру-фидан чиқарилган ва хусусий муассасаларнинг улуши юқорилиги натижасида таълим хизматлари товар каби баҳоланмоқда. Ҳар бир ОТМ ўз мижозларини ўзи топиши тамойилида ишламоқда. Сифатли кадр тайёрлайдиган ОТМлар иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда олий таълим сифатини халқаро даражага кўтариш ва интеграцион жараёнларнинг пайдо бўлиши олий таълимни бир мамлакат доирасида ривожлана олмаслигини кўрсатмокда.

Республикамиз олий таълим тизимида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу чора-тадбирларда тараққий этган давлатлар олий таълим муассасалари билан иқтисодий алоқаларни кучайтириш ва илғор тажрибаларни амалиётда жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида халқаро тажрибалардан келиб чиқиб олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, ОТМларнинг академик мустақиллигини таъминлаш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш, олий таълимнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш ва олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш каби муҳим вазифалар белгиланди [1].

Бугунги кунда олий таълим сифатини оширишга қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада “олий таълим сифати” илмий категориясини турли шарт-шароитлар билан таққослаш муммомлари алоҳида долзарблик касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Олий таълим сифатини талқин этишга қаратилган тадқиқотларда хорижий мамлакатлар олимларининг турлича қарашлари юзага келган. Жумладан, сифатнинг анъанавий маъносига кўра, харидорлар томонидан қўйилаётган талаб даражасида маҳсулот етказиш, сервис кўрсатиш ва муваффақиятга эришиш, имижга эга бўлишdir ёки сифат мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътибор қаратилганлигини билан баҳоланади [2]. Олий таълимда сифат кўп қиррали, кўп даражали ва динамик тушунча бўлиб, у таълим модедининг мазмуний бирлигига, муассасанинг миссия ва вазифаларига ҳамда ўзига хос маълум стандартларга боғлиқdir [3].

Демак, олий таълимда сифат тушунчasi мураккаб ва кўп қирралидир. Шунинг учун олий таълимда сифатни белгилаш ва баҳолаш ҳар доим баҳс-мунозарали бўлиб келган. Масалан, К.Камбел ва К.Рознианинг фикрича, сифат баҳоланмайди ва ўлчаммайди, балки илм ахли

томонидан сифатнинг қаерда ва қачон таъминланиши тан олинади [4]. Британиялик муаллифлар Н.Жаксон ва Х.Лунд олий таълимдаги сифатни баҳолаш ва белгилаш масалаларига ёндошишда концептуал тизимга асосланадилар [5]. Ушбу концептуал тизим “Кирим ва ресурс”, “Жараён” ҳамда “Натижга ва мақсад” каби босқичма-босқич таъсир қилувчи элементлардан ташкил топган.

Норвегиялик муаллифлар Е.Ченг ва В.Там таълим сифатига таъсир этувчи омилларни ички ва ташқи гуруҳларга бўлади [6]. Бунда ички гуруҳ омиллари талабалар, ўқитувчилар ва ишчи-ходимлардан иборат бўлса, ташқи гуруҳ омиллари вазирликлар, давлат ва хусусий ташкилотлар, ҳудудий бошқарув органлари ваabituriyentlardan tashkil tопган.

Россия Федерациясида амалга оширилган тадқиқотларда олий таълим сифати талаблар тавсифига хос ва мослик даражасидир, деб таъриф берилади. Бунда таълим натижалари сифати ва сифатни таъминловчи системалар тавсифи белгиланган [7]. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари турли мамлакатлардаги таълим тизими, давлатларнинг ташкилий ва маданий анъаналарига кўра жиддий фарқланади. Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари қуидаги кўрсаткичлар бўйича фарқланади: ҳукуматнинг ваколати; жамият ва касаба уюшмаларининг ташкилотларни жалб этиш даражаси; мақсад ва вазифаларни баён этиши; мезон ва таомили [8].

Ўзбекистон шароитида олий таълим сифати кўп қиррали концепция ҳисобланади. Сифат таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турларини – ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий-техник база ва жиҳозлар, жамият ва академик муҳит фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак [9]. Шунингдек, халқ хўжалиги ва таълимнинг қайси тури ва босқичи бўлмасин, унинг бозор иқтисодиёти шароитида яшashi ва амал қилиши сифат мезони асосига таянади.

Олий таълим соҳасида сифатнинг таъминланиши провардда етук кадрлар тайёрлашга сабаб бўлади. Бу исбот талаб қилмайдиган аксиома бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва олий таълим муассасаларининг бош масаласига айланган [10]. Айни пайтда тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, таълим сифатини оширишдаги бош масала – таълим мазмуни ҳозирги ишлаб чиқариш ва жамиятнинг эҳтиёжларини қондириши, талабаларда таълим олиш жараёнида бўлажак мутахassislarдаги муҳим касбий сифат жиҳатларини шакллантира олиши лозим [11].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда қиёсий таҳлил усули орқали олий таълим сифатининг умумий ва ўзига хос бўлган жиҳатлар аниқланди. Абстракциялаш усули ёрдамида турили хил фикрларни умумлаштирилган натижалари шаклланди, бу эса олий таълим сифатини таъминлаш билан ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий ҳодисаларнинг муайян гуруҳини кузатишга ва унинг асл мазмунини билиб олишга имкон берди. Тадқиқотнинг формал тус берилган мантиқий усуллари орқали олий таълим сифатининг назарий умумлашмаси яратилди ва аҳамияти асосланди.

Таҳлил ва натижалар. Шу ўринда ривожланган давлатларда олий таълим сифати масаласи қаҷон ва қандай пайдо бўлди ҳамда нега долзарблашиб кетди? деган ҳақли савол туғилади. Олий таълимда сифат масалаларига қизиқишиш ғарб давлатларида 1970-80 йиллардан бошланган. Албатта, бу даврда саноат тармоқларида илмий соҳаларни ривожлантириш зарурити вужудга келди ва хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси ортиб борди. Бу эса олий таълимга эҳтиёжлар ортиб боришига олиб келди ва сифатли таълимга бўлган қизиқиши кучайтириди. Айниқса, ушбу жараёнда олий таълим ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши, яъни ОТМни давлат тасаруфидан чиқариш ва унинг автономияси таъминлаш кучли таъсир кўрсатган [12].

Европа Иттифоқида олий таълим сифатига бўлган қизиқиши қўйидаги омиллар таъсирида шаклланди [13]:

- олий таълим муассасалари даромадларининг аҳоли маблағлари ҳисобига ошиб бориши;
- олий таълимнинг маҳаллий, минтақавий, миллий ва жаҳон иқтисодиётига таъсиригининг кучайиши;
- Европада Болонья жараёнининг пайдо бўлиши;
- олий таълимнинг глобаллашуви;
- олий таълимда рақобат ва маркетингни ривожланиши.

Умуман олганда, олий таълим ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқликнинг кучайиб бориши олий таълим сифатига бўлган талабларни ўз-ўзидан (автоматик тарзда) шакллантирган. Бунда олий таълим иқтисодиётнинг бир тармоғи бўлиб ҳисобланган ва олий таълим натижалари иқтисодиёт тармоқлари талабларига жавоб бериши талаб этилган. Чунки, ўзгарувчан цивилизациялар ва глобаллашув даврида мамлакатнинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан олий таълим сифати даражасига боғлиқ, у қанчалик юқори бўлса, давлатнинг ҳалқаро бозордаги рақобатбардошлиги шунчалик юқори бўлади. Ушбу омиллар олий таълимни бозор меҳанизмларига тўлиқ бўйсунадиган соҳага айлантириди, иқтисодий соҳалар билан алоқасида му-

хим аҳамият касб этди ва бугунги кунда таълим сифати бозор орқали намоён бўлмоқда.

Шунинг учун олий таълимда сифатни баҳолаш масаласи XX асрнинг охирида дунё миқёсида энг долзарб масала сифатида майдонга чиқди. Бирлашган миллатлар таълим, билим ва маданият ташкилоти – ЮНЕСКО (United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization) томонидан 1998 йилда ўтказилган конференцияда бутун дунё декларацияси қабул қилинди ва унинг 11-моддаси “Сифатни баҳолаш” деб номланди. Бунда олий таълим сифати кўп ўлчамили концепциядан иборат эканлиги таъкидланди. Ушбу концепцияда ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ишлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ўқув бинолари, моддий-техника базаси, жиҳозлар, жамият учун сифатли кадрлар тайёрлаш, академик мухит сифатни белгиловчи дастурлар келтирилган. Шунингдек, сифатни баҳолайдиган ташкилотлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилади[14]. Лекин, “олий таълим сифати” тушунчасини ёритиб бериш ва унинг ижтимоий-иқтисодий изоҳи бўйича якуний тўхтамга келинмаган.

Демак, иқтисодий адабиётларда илк бор “олий таълим сифати” тушунчаси XIX асрда қўлланила бошланди ва тўлиқ тарифга классик олий таълим тизими ўзининг максимал ривожланиш даражасига эришганда эга бўлди. Бунда олий таълим сифати таълим соҳасини ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ифодалади ва таълим фаолияти тавсифи унинг натижалари, иқтисодий, ижтимоий билиш ва маданий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирги. Шу боис, иқтисодий адабиётларда олий таълим сифатига тариф беришда турли илмий ёндашувлар шаклланди.

Биринчи ёндашувга мувофиқ олий таълим сифати унга таъсир этувчи омилларга боғлиқ равишида тавсифланади. Жумладан, талаблар (мақсад, стандартлар, таълим мезонлари); ресурслар билан таъминланиши (таълим дастурлари, кадрлар салоҳияти,abituriyentlar kontingenti, infratuzilma, moddij-texnika ta'minoti, molija); таълим жараёнлари (илмий ва ўқув фаолияти, бошқарув, таълим технологияси) ва бошқа омиллар эътиборга олинади. Иккинчи ёндашувда олий таълим тизимини ривожланишидан манфаатдор бўлган бенефициарлар (давлат, ташкилот ва бошқалар) билан боғлиқ ҳолда бозор иқтисодиёти қонунлари талабидан келиб чиқсан ҳолда таъриф берилади. Таълим сифатига берилган барча тарифларда маълум база нормалари, стандартлари, талаблари, мақсадлари билан қиёсий таққосланади.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштирган ҳолда, “олий таълим сифати” илмий категориясининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини очиб

беришга қаратылған тадқиқоттарни қуйидаги йұналишларга ажратыш мүмкін:

- таълим сифатини ошириш;
- таълим сифати даражасини аниқлаштыңг услугбий таъминоти;
- таълим сифати соҳасида амалға оширилған тадқиқоттарнинг ахборот таъминоти.

Шундай бўлсада, мазкур тадқиқотларда бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва уларнинг олий таълим сифатига узатилиши ўртасида қарама-қарши фикрлар мавжуд. Аксарият тадқиқотларда “олий таълим сифати” илмий категорияси иқтисодиёт соҳаси эмас, балки ўқув жараёни ҳисобланган. Олий таълим сифати миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ёки хизмат кўрсатиш соҳасига тегишли эканлигига эътибор берилмаган. Бу эса олий таълим сифати муаммоларини иқтисодий жиҳатдан мажмуали ва тизимли ўрганишни талаб қилмоқда.

Умуман, “олий таълим сифати”ни иқтисодий жиҳатдан аниқ талқини мавжуд эмас ва айрим концепцияларда бир неча хил таърифлар таклиф қилинган.

Бизнингча, “олий таълим сифати” тушунчасининг мураккаблигини қуйидаги фикрлар билан изоҳлаш мүмкін:

бириңчидан, таълим сифати – бу хизмат сифатидир. Мазкур нуқтаи назар техноген цивилизацияга мос келади. Бугунги кунда бу қараш ҳозирги ҳолатни тўлиқ акс эттирамайди;

иккинчидан, олий таълим сифати маълум даражада хизмат, лекин маҳсус турдаги хизмат, унинг асоси жуда аниқ, деб ҳисобланади. Бу нуқтаи назар техноген цивилизациядан инновацияга асосланган цивилизацияга ўтиш даврига тўғри келади. Бироқ, концептуал асоснинг ушбу диверсификацияси бозор ҳолатини тўлиқ акс эттирамайди.

учинчидан, олий таълим – бу инсон интеллектуал фаолиятининг маҳсус тури ҳисобланади. Шунинг учун “олий таълим сифати” ва “олий таълим хизматлари сифати”ни бир хил маънода тушуниш ва баҳолаш мазкур обьектларнинг мураккаблигини билдиради.

Бир қарашда юқоридаги фикрлар бир-бирини тўлдирувчи ва қўллаб-қувватловчи ҳисобланади. Олий таълим тизимининг мураккаблиги бугунги кунда таълим сифати қандай эканлигини тушунишнинг асосий қийинчиликларидан биридир. Шу боис, олий таълим сифати жараён сифатида ҳам, иқтисодиётнинг бир бўлаги сифатида ҳам мутлақо бошқача мазмунни таъминламоқда.

Айни вақтда “олий таълим сифати” илмий концепциясини “жараён” ва “иктисодиёт” жиҳатидан қатъий уйғунликда кўриб чиқиши долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, замонавий адабиётлардаги мавжуд таърифларни таҳлил қилиш шундай

холосага келиш имконини бермоқдаки, “олий таълим сифати” тушунчаси ўқув жараёни ва тарбия сифатини эмас, балки уларнинг натижаси билдиради. Шу жиҳатдан, олий таълим муассасаси фаолиятининг натижаси, биринчи навбатда, тайёрланаётган кадрлар ва уларнинг сифатидир. Айни пайтда жамият учун кадрларнинг касбий сифатлари билан бирга гуманитар сифатлари ҳам аҳамиятлидир ва бу икки томонни бир-биридан ажратиш мүмкін эмас. Лекин, бозор муносабатлари шароитида кадрларнинг касбий сифати (қиймат яратади олиши) объектив равишда биринчи ўринга чиқиб қолади. Бунда олий таълим муассасалари рейтинги ва фаолиятига баҳо бериш иқтисодий ёндашувни талаб этмоқда.

Жумладан, жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, жамият ва бизнесни интернационаллашуви миллий олий таълим тизими олдига тез ўзгариб бораётган глобал меҳнат бозорида самарали ишлай оладиган малакали кадрларни тайёрлашни тақозо этмоқда. Олий таълим ижтимоий неъмат бўлиши билан бир қаторда мижозга йўналтирилган таълим хизмати тизимиға айланмоқда.

Олий таълим сифатини таъминлашнинг самарали тизимини шакллантириш стратегик устувор вазифа ҳисобланиб, таълим сиёсатини ҳамма субъектларини (минтақавий, миллий, халқаро, институционал) фаол ўзаро ҳамкорликда харакат қилишини тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, жаҳонда амал қилаётган олий таълим сифатини таъминловчи турли миллий тизимлар бир-биридан кўпгина жиҳатлари бўйича фарқланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларда олий таълим тизими қуйидаги мезонларга кўра гурухланади:

- олий ўқув юртлари сони;
- олий таълимни бошқариш таркиби;
- олий ўқув юртларини гурухланиши;
- ташкилий автономия даражаси.

Олий таълим сифатини таъминлашнинг миллий тизимлари қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади:

- ҳукуматнинг ҳуқуқлари;
- жамоат ва касаба уюшмаларини жалб этилиши даражаси;
- мақсад ва вазифаларни баён этилиши;
- мезонлари ва тартиби.

Юқоридаги ҳолатлар турли мамлакатлардаги таълим тизимларини фарқлари, жумладан, таълим жараёнини бошқариш ва маданий анъаналари билан белгиланади.

Жаҳон амалиётида олий таълим сифатини таъминлашнинг қуйидаги моделлари фарқланади:

- Француз модели – олий ўқув юртини ички ўзини-ўзи баҳолашга номинал ўрин берил

лади, асосий урғу давлат ёки жамоат ташкилотлари томонидан олий ўқув юртини самарали ташқи баҳолашга қаратилади;

▪ Германия, Франция, Скандинавия мамлакатларида “Инглиз (англосаксон)” модели қўлланилади;

▪ “Инглиз” моделида олий ўқув юртини ички ўзини-ўзи баҳолаш ҳал қилувчи ўрин тутади ва ташқи касбий, ижтимоий таълим сифатини эксперт баҳолаш эътиборга олинади ва у Буюк Британия, Ирландия, АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатлари, Филиппин, Тайванда кенг тарқалган.

Олий таълим сифатини таъминлаш тизимларининг “Француз модели” таълим муассасаларини бошқаришнинг “континентал” модели қўйидаги тамойилларга асосланган:

▪ давлат томонидан олий ўқув юртига нисбатан патернализм сиёсатини давлат бошқарув органлари томонидан олий таълимни ривожланишини тартибга солища марказлашган назоратни ўрнатиш (таълим вазирлиги, маориф вазирлиги);

▪ олий ўқув юртининг мустақиллигини (молиявий ва академик) чеклаш;

▪ олий таълимига эга бўлишда кучли стратификациялашган тизим мавжудлиги (одатда бепул);

▪ давлат мулкининг таълимда етакчи ўрин эгаллаши.

Мазкур ҳолатларда олий таълим сифатини таъминлаш мутасадди давлат идоралари томонидан амалга оширилади ва ҳукумат томонидан молиялаштиради. Бундай олий таълим сифатини таъминлаш тизимлари ҳукумат назоратида бўлади, лицензияланади, давлат аккредитациясидан, аттестациясидан, инспекциясидан ўtkaziladi, турли олий ўқув юртлари тақосланиди ва молиявий ресурслар тақсимланади.

Англияда “атлантика” модели тамойиллари асосида қўйидагича ташкил этилади:

▪ олий ўқув юртининг мустақиллиги (OTMларнинг ривожланиши стратегиясига либерал ёндашув хос);

▪ олий ўқув юртлари катта автономияга, жумладан, ҳар бир OTM рационал молиявий ва иқтисодий мустақилликка эга;

▪ олий таълим тизими хизмати пулли;

▪ олий таълим тизимида нодавлат мулкининг улуши юқори.

Олий таълим сифатини оширишнинг “Америка модели” таълим муассасалари ва таълим дастурларини аккредитация қилишга асосланган ҳамда “Француз” ва “Инглиз” моделларининг самарали уйғуналашувидан иборат. АҚШ университетларида ўзини-ўзи баҳолаш тизими ривожланган. Бошқача сўз билан айтганда, америка олий таълими устун даражада олий ўқув юртлари томонидан назорат қилинади. OTMлар

аккредитацияси жараёни минтақавий университетлар ва коллежлар уюшмаси, ассоциацияси томонидан амалга оширилади. Ушбу ассоциациялар таркибида ихтисослашган олий таълим комиссиялари фаолият юритади ва минтақадаги олий ўқув юртларини аккредитациядан ўтказади.

АҚШ таълим муассасаларини аккредитациялаш олий ўқув юртларини академик эркинлик ҳуқуқи билан уларнинг давлат ва жамият олдидаги масъулияти, жавобгарлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг жамоавий тартибга солиш тизимиdir. АҚШнинг ўзини-ўзи тартибга солиш тизими асосида таълим тизимини яхшилашга қаратилган олий таълим муассасаси даражасида баҳолаш ётади.

Олий таълим сифатини оширишнинг Болония модели қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади: ихтиёрий қатнашув ва миллий ўзига хосликни сақлаб қолиш, жумладан, миллий олий таълим тизимларини яқинлашуви. Унинг асосий қоидалари 1999 йилда Европанинг 29 мамлакатлари томонидан қабул қилинган Болония декларациясида баён этилган. Ушбу модельнинг мақсади Европа олий таълим тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши ва уни халқаро даражада обрўси ва рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

XXI аср бошларида кўпчилик мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар муносабати билан олий таълим сифатини ошириш тизимларининг яқинлашуви кузатилмоқда. Ушбу ўзгаришларга олий таълим сифатини оширишнинг Болония жараёни жиддий таъсир кўрсатмоқда.

“Болония модели” қўйидаги тамойиллар асосида фаолият юритади:

▪ олий ўқув юртларининг академик ва илмий тадқиқот фаолияти устидан марказлашган назоратни камайиши ва уларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигини кенгайиши;

▪ давлатнинг таълимни бошқарув таркибидан ташқари мустақил олий ўқув юртлари ва олий таълимни баҳоловчи ташкилотнинг мавжудлиги;

▪ олий таълим сифатини баҳолашнинг ўзаро қулай мезонлари ва улардан фойдаланиш;

▪ баҳолаш жараёнида олий ўқув юртларининг тўлақонли иштироки;

▪ OTMларни ўзини-ўзи баҳолаш ҳисоботига ўтиши ва ташқи аудитор экспертиза хуласаси билан тақосланиши.

Шундай қилиб, барча олий таълим сифатини ошириш моделлари ички ва ташқи баҳолашга асосланган бўлиб, уларни амалга оширишнинг аниқ механизми турлича бўлиши мумкин. Олий ўқув юртларининг ташқи назорати OTMларнинг миқдорий кўрсаткичларини тўплашга йўналтирилган ҳамда олий таълимни

ютуқлари ва муаммоларини аниқлаш сифатни оширишни режалаштириш имконини бермайди.

ОТМларнинг ўзи томонидан ташкил этиладиган таълим сифати тизимлари – ўзини-ўзи тартибга солишнинг истиқболли шакли ҳисобланиб, ҳар бир олий ўқув юрти ўзининг концептуал чизмасини баҳолаш стратегияси ва дастури, мақсади, вазифалари ва ресурсларига мувофиқ унга эришишнинг услубиёти ва амалга ошириш режасини ишлаб чиқади. Умуман олганда, ривожланган мамлакатларда олий таълим сифатини оширишда қўйидаги воситалардан фойдаланилади: баҳолаш (аттестация), аккредитация ва аудит.

Ўзбекистонда таълим жараёни сифати ва кадрлар тайёрлашни назорат қилиш ва баҳолаш тизимининг хукуқий асоси шакллантирилган. Ўзбекистон олий ўқув юртларининг аттестация ва аккредитация қилишнинг давлат тизими маълум даражада таълим сифатини оширишнинг Болония жараёни доирасида белгиланган талабларга жавоб беради.

Лекин, айрим йўналишлар бўйича такомиллаштиришга муҳтож. Ўзбекистонда иш берувчилар ва талабалар олий таълим сифатини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этмаётир. Ўзини-ўзи халқаро андозалар даражасида баҳолаш амалиёти йўлга қўйилмаган, уни амалга оширишнинг меъерий-хукуқий асослари етарли эмас. Ташқи баҳолаш соҳасида олий ўқув юртларини ижтимоий-касбий жиҳатдан экспертиза қилиш тизимини хукуқий-меъерий асослари мукаммал эмас.

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда олий таълим сифатини таъминлашда асосий эътибор таълим сифатини яхшилашга эмас, балки, балки ҳисбототга қаралади. Олий таълим сифатини таъминлашнинг ички тизимини жорий этишдаги пассивлик ахборот таъминотини яхши эмаслиги ва етарли малакага эга кадрларни етишмаслиги билан боғлиқ. Олий таълим сифатини таъминлашнинг ташқи механизmlари таълим сифатини яхшилашни стратегиясига эмас, балки таълим жараёнини ташкил этишнинг белгиланган талабларига мослигини назорат қилишга қаратилган.

Хулоса ва таклифлар. Ҳозирда Ўзбекистонда олий таълим сифатини таъминлашга қаратилган халқаро талаблар ва тавсиялар амалга оширилган ҳолда, таълим сифатини ошириш тизими такомиллаштиришга муҳтож ва қўйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- битирувчилар малакасини оширишдан манфаатдор бўлган талабалар, иш берувчилар, жамоат ташкилотларини хукуқий-меъерий хужатларни тартибга солиш ва рағбатлантириш

тизимини жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш жараёнида кенг ва фаол қатнашувини таъминлаш лозим;

- талабалар ўқишини пировард натижала-рига, жумладан, мутахассислиги бўйича ишга жойлашувига эътибор қаратиш лозим;

- олий таълим сифатини оширишнинг ички механизмига асосий эътиборни қаратиш олий таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчиларни таълим сифатини оширишга бўлган ички рағбатларини кучайтириш имко-ниятини беради;

- ҳисбот билан олий таълим сифатини ошириш ўртасидаги мувозанатга эришиш лозим, чунки олий таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг пировард мақсади унинг сифатини оширишдан иборат. Ҳисбот эса таълим жараёнини жорий ҳолатини ифодалайди холос;

- олий ўқув юртларининг аттестация ва аккредитациясининг натижаларини ОАВ, интернет тизимида кенг нашр этиш, эълон қилиш лозим;

- олий таълим сифатини халқаро қиёсий таққосланишини таъминлаш олий ўқув юртла-ри ва таълим сифатини таъминловчи мутасадди давлат идоралари даражасида ўтказилиши ке-рак.

Ўзбекистон Республикаси ОТМлари фа-лиятида таълим жараёнини сифат даражасига кўтариш лозим. Бунда хорижий тажрибаларни ўрганиш шу соҳада такомилга эришиш учун асос бўлади. Республикамизда илм-фан ва таълим тизими дунё тажрибалари асосида янада бойи-тиб борилмоқда ва шу тариқа глобаллашув жа-раёнида мамлакатимиздаги олий таълим жаҳон таълим тизимида ўз ўрнини топиб бормоқда. Демак, олий таълимдаги «сифат» категорияси етакчи компонент бўлиб хизмат қиласи. Халқ хўжалиги ва таълимнинг қайси тури ва босқичи бўлмасин, унинг бозор иқтисодиёти шароитида яшави ва амал қилишида сифат мезони асосига таянади. Олий таълим соҳасида сифатнинг таъ-минланиши пироварда етук кадрлар тайёрлашга сабаб бўлади.

Бу борада мамлакатимизда жаҳон тажри-балари ҳам ўрганилмоқдаки, бу ўз навбатида Ўзбекистондаги олий таълимнинг жаҳон олий таълим мининг таркибий қисми сифатида глобал-лашув жараёнларида ўз ўрнини топиб олаётган-лигидан далолат бермоқда. Фикримизча, бу каби жараёнлар илмий жамоатчилик томонидан янада ўрганилиши лозим, бинобарин, сифатнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш эҳтиёжлари юзага келди.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш түфрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>
2. Green D. To Rank or To Be Ranked? - London: Society for Research into Higher Education & Open University Press, 1994. – p. 120.
3. Vlasceanu L., Grunberg L., Parlea D. Quality Assurance and the Development of Course: A Glossary of Basic Terms and Definitions. - Bucharest: UNESCO, 2004. – p. 178.
4. Campbell C., Rozsnyai C. Benchmarking for Higher Education Programmes. – Bucharest: UNESCO-CEPES, 2002. – p. 223.
5. Jackson N., Lund H. Benchmarking for Higher Education. - Buckingham: SRHE and Open University Press, 2000. – p. 33.
6. Cheng Y.C., Tam W.M. Multi-models of Quality in Education. Quality Assurance in Education// Science and Education, 1997. – Oslo: University of Oslo. – pp. 22-34.
7. Левшина В.В. Развитие методологии создания системы менеджмента в качества вуза. // Университетское управление: практика и анализ. – М., 2003. № 2. – С. 7.
8. Геворкян Е.Н., Матова Г.Н. Болонский процесс и сотрудничество в области обеспечения качества образования: опыт Российской Федерации. // Вопросы образования. – М.: № 4, 2004. – С. 150-165.
9. Каримов А.А., Перегудов Л.В. Основы системы мониторинга и управления качеством высшего образования. – Тошкент: Молия, 2003. – С. 46.; Saidov M. Олий таълим менежменти ва иқтисодиёти. – Т.: Молия, 2002. 51-б.
10. Миркурганов Н., Аношкина В., Данилова Е. Высшее образование в Узбекистане: состояние и рекомендации. // Аналитическая записка. – Тошкент: № 1 (12), 2009. 24-28-б.
11. Раҳмонов Н.Р. Минтақавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосида олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш: Иқтисодиёт фан. док. дис. ... автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2019. – 16 б.
12. Bauer, M. Changing Quality Assessment in Sweden (Westerheijden et al. Changing Context of Quality Assessment). – Utrecht: Utrecht University, 1994. – pp. 15-30.
13. Standards and Guidelines for Quality Assurance in the European Higher Education Area. – Helsinki: European Association for Quality Assurance in Higher Education (ENQA), 2007. – p. 12.
14. Всемирная Декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. // Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази ахборотномаси. – Тошкент. № 6, 2002.– 22 б.